

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 11

Андижон шаҳар

« 22 » июнь 2022 йил

Ушбу пудрат шартномаси «Буюртмачи» деб аталувчи Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон вилоят ҳудудий филиали номидан низомга асосан бош врач К.М.Ёркулов бир томондан ва «Пудратчи» деб аталувчи " NURULLO DIYOR QURILISH " МЧЖ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб боровчи директор М.Газыев иккинчи томондан келишув асосида келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ тузилди.

## I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига мувофиқ Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон вилоят ҳудудий филиалини (Лойиха смета хужжатларига) асосан мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. «Буюртмачи» эса «Пудратчи»га курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга олиш мажбуриятини олади.

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «Буюртмачи» томонидан тасдиқланган смета ва 2022 йил 20-июндаги лот № 22110012101850 савдо голибининг таклифига асосан ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда) га асосан жорий нархларда 201 050 000 (Икки юз бир миллион эллик минг ) сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ҳазначилик бўлимида рўйхатга олингандан сўнг 3 банк иш кунида «Буюртмачи» бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30% фоизини яъни 60 315 000 ( Олтмиш миллион үч юз үн беш минг ) сўмни, бюджет маблағлар ҳисобидан олдиндан аванс тариқасида «Пудратчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун тўловларнинг қолган 70 % фоизи, яъни 140 735 000 ( Бир юз қирқ миллион етти юз уттиз беш минг ) сўмини «Пудратчи» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси Ф-2 ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар Ф3 буюртмачининг таклиф қилган тулов жадвалига асосан ҳисоб китоб қилади.

2.5. «Буюртмачи» охириги тўловни «Пудратчи» томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш – топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 3.1. «Пудратчи»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «Буюртмачи»дан далолатномага асосан қабул қилиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган тўлов жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови амалга оширилгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва бажариб топширади. Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

#### 3.2. «Пудратчи»нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асосиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

#### 3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

#### 3.4. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. «Пудратчи» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар «Пудратчи» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса «Буюртмачи» тўловлар тўхтатилади. Лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида «Пудратчи» жарима тўлайди.

4.4. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

## V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

## VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### «ПУДРАТЧИ»

" NURULLO DIYOR QURILISH "

МЧЖ Манзил: Избоскан туман  
х/р: 20208000605308633001  
Банк номи: Узсаноатқурилишбанк  
Тошкент бош офиси  
МФО:00440  
ИНН: 307929324

Рахбар:



(имзо)

М.Газиев

(имзо)

М.Ў.

Т. Жолдосов

### «БУЮРТМАЧИ»

Республика ихтисослаштирилган  
дерматовенерология ва косметология илмий-  
амалий тиббиёт маркази Андижон вилоят  
ҳудудий филиали ИНН: 200238132  
Манзил: Андижон шаҳар Ю.Отабеков куча 9 уй  
х/р: 401421860034017073201054005  
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги  
Ҳазначилиги ИНН: 201122919 ОКОНХ: 91513  
Марказий банк Тошкент шаҳри ББХКМ

Бош врач:

К.М.Ёркулов